



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Тошкент шаҳар статистика  
бошқармаси бошлиғининг  
биринчи ўринбосари в.б.  
О.Абдурахманов  
12 февраль 2021 йил

Тошкент шаҳар статистика бошқармасида  
коррупцияга қарши курашиш мавзусида  
бўлиб ўтган семинар йиғилиши

**БАЁНИ №1**

2021 йил 12 февраль

Тошкент ш.

**Семинар раиси:** О.Абдурахманов – бошқарма бошлиғининг  
биринчи ўринбосари в.б.  
**Қатнашганлар:** А.Ибрагимов – Бошқарма бошлиғи ўринбосари,  
Бошқарманинг коррупцияга қарши курашиш  
идоравий комиссияси аъзолари, тармоқ бўлимлари  
ва туман статистика бўлим бошликлари

**КУН ТАРТИБИ:**

“Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тизимида 2021 йилда  
коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар  
режаси” юзасидан белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида.

*(О.Абдурахманов, А.Ибрагимов, Ш.Шаагзамова, Ш.Каримова,  
М.Усмонов, Б.Шакарров, О.Абдурахманов)*

Йиғилишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил  
27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш  
tizimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-  
сон Фармони ҳамда “Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тизимида  
2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-  
тадбирлар режаси” ижросини таъминлаш юзасидан бошқарма ва туман  
статистика бўлимлари ходимларига қисқача тушунчалар бериб ўтилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ва туман статистика  
бўлимларида 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий  
комплекс чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш юзасидан бошқарма  
ҳамда туман статистика бўлимлари мажбуриятлари тўғрисида батафсил  
маълумотлар берилди. Ушбу чора-тадбирлар режасида белгиланган  
вазифаларни ўз вақтида бажариш юзасидан бошқарманинг тармоқ ва туман  
статистика бўлимларига тегишли топшириқлар берилганлиги таъкидланди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилганлиги ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилганлиги қайд этилди.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Мазкур фармонда, коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури, коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш комиссияларини зиммасига жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш ҳамда жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш функциялари юкланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истикболда қуйидагилардан иборат:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

Шу билан бирга, идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиклиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олиншини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

Йиғилишда, ҳали бу борада катор камчиликлар мавжудлиги танқидий таҳлил этилиб, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда фаровон ҳаёти кафолатларини янада мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий пойдевор яратиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Хусусан, ҳар бир соҳа бўйича мавжуд муаммолар танқидий таҳлил этилиб, ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш юзасидан энг муҳим вазифалар белгилаб берилганлиги таъкидланди.

Бошқарманинг тармоқ ва туман статистика бўлимлари раҳбарлари, ходимлари қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шартлиги юзасидан огоҳлантирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони ҳамда 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш юзасидан “Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тизимида 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар режаси” ижросини таъминлаш юзасидан бошқарма ҳамда туман статистика бўлимлари мажбуриятлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Ушбу чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш юзасидан бошқарманинг тармоқ ва туман статистика бўлимларига тегишли топшириқлар берилганлиги қайд этилди.

Шунингдек, бошқарманинг расмий веб-сайти [www.toshstat.uz](http://www.toshstat.uz) да кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари миқдори йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳамда бошқарманинг расмий веб-сайтига Тошкент шаҳри бўйича ойлик, чораклик ва йиллик таҳлилий статистик очик маълумотлар жойлаштириб борилиши таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, жойларда ташкил қилинаётган профилактика ишларини ташкил қилишда юқоридаги чора-тадбирлар режасида берилган топшириқларни қатъий амалга оширишлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари, статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини янги ташкил топган ҳамда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига тушунтириш ишларини кучайтириш, бунда жойлардаги семинар учрашувлар ва “Очиқ эшиклар куни”да тадбиркорлик субъектларига давлат статистика ҳисоботларини интернет тизими орқали электрон шаклда қабул қилиш тизимининг қулайликлари ва афзалликлари, жумладан ҳисоботларни қатъий равишда белгиланган муддатларда электрон шаклда тақдим этишлари лозимлиги тўғрисида доимий равишда тушунтиришлар бериб боришлари юзасидан топшириқлар бериб ўтилди.

Шу билан бирга, бошқарма ҳамда туман статистика бўлимлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Кун тартибидаги масалалар ва улар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб йиғилиш

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. "Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тизимида 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар

режаси” бандларида берилган топшириқларни ўз вақтида ижроси таъминлансин.

2. Бошқарманинг коррупцияга қарши идоравий комиссияси аъзолари, тармоқ ва туман статистика бўлимлари бошлиқларига:

-Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ва туман статистика бўлимларида 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар режаси бандларида берилган барча топшириқлар сўзсиз бажарилиши таъминлансин амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар киритилсин;

- коррупцияга қарши курашиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан бу борада белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўрган ҳолда, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, коррупция ҳолатларига йўл қўйган раҳбар ва ходимларга нисбатан қатъий жазо чораларини кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилсин;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида кўриб чиқилишини, мурожаатларнинг таҳлил этилиши ва бу борада фаолият натижаларини муҳокама этиб борилишини таъминлаб, ушбу масалаларга масъул раҳбар ва ходимлар фаолияти юзасидан назоратни янада кучайтирсинлар;

- бошқарма ва туман статистика бўлимларида тадбиркорлик субъектлари билан тарғибот-ташвиқот ишларини кенг қамровда ва тизимли асосда ташкил этилишини таъминлаб, бунда асосий эътиборни тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулайликлар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳисобот тақдим этиш тартиблари ва муддатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борилишига, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинishiга ва уларнинг профилактикаси самарадорлигини оширишга қаратсинлар ҳамда бу борада суеткашликка йўл қўйган раҳбарлар ва ходимларга нисбатан қатъий интизомий жазо чораларини кўрилиши юзасидан огоҳлантирилсин;

- давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий ишларни юритишда амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаб, бу борада асосий эътиборни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий амалиётни қўллашни Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-418-сон қонуни талаблари асосида юритилишига қаратсинлар;

- тадбиркорлик субъектларига уларнинг ҳуқуқлари, статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда мунтазам мақолалар чоп этиб бориш, телевидение ва радио воситалари ҳамда расмий сайтлар орқали чиқишлар ташкил этиш, бунда айниқса электрон шаклда ҳисоботларни тақдим этиш тизимининг афзалликлари ва қулайликлари тўғрисида кенг кўламда ёритиб борилиши таъминлансин;

- бошқарманинг расмий веб-сайтнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш ва такомиллаштириб бориш ҳамда улардаги маълумотларни мунтазам янгилаб ва тўлдириб борилишини таъминлаш, шунингдек Давлат статистика органлари фаолиятини очиклигини ёритиб берувчи маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш, шу билан бирга Давлат статистика қўмитаси ва бошқарма томонидан берилган топшириқларнинг тизим органларида ижро этилиши ҳолатини мунтазам равишда ўрганилсин;

- бошқарма ва туман статистика бўлимларида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Одоб-ахлоқ қоидалари”га амал қилган ҳолда ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажаришлари юзасидан масъулиятларини янада оширсинлар.


3. Бошқарманинг бош юрисконсульти (М.Усмонов)га:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумат фармон ва қарорлари, Давлат статистика қўмитаси қарор ва буйруқлари, шаҳар ҳокимлигининг қарор ва фармойишларини ҳар бири бўйича алоҳида ёзма маълумотлар тайёрлаш ва бошқарма ҳамда туман статистика бўлимларининг барча ходимларини доимий таништирилиши таъминлансин;

Ҳар чорак якуни бўйича бошқарма ва туман статистика бўлимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни Ўзбекистон Республикаси МЖтК талаблари асосида тўғри қўлланилганлиги юзасидан ўз тавсиялари бериб борилсин.

4. Ушбу семинар қарорлари ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби



Ш.Шаагзамова